



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТР ВА МАИШИЙ ТЕХНИКА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Камолходжаев Жамолiddин

Тошкент давлат техника университети

ORCID: 0009-0002-3261-3429

kamolkhodjayevj@gmail.com

PhD, доц. **Набиева Саидахон**

Тошкент давлат техника университети

ORCID: 0009-0000-6634-6408

saidaxon-nabiyeva@mail.ru

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда электр ва маиший техника саноатида иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари таҳлил қилинган. Назарий ёндашувлар, халқаро тажрибалар ва миллий шароит таҳлили асосида кластерлашув, модернизация, инсон капитали ва экспорт рағбатлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: электр техникаси, иқтисодий самарадорлик, кластер, маҳаллийлашув, экспорт, модернизация, инсон капитали, энергия тежамкорлик, технопарк, давлат-хусусий шериклик.

ПОВЫШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ ПО ПРОИЗВОДСТВУ ЭЛЕКТРОБЫТОВОЙ ТЕХНИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Камолходжаев Джамолиддин

Ташкентский государственный

технический университет

PhD, доц. **Набиева Саидахон**

Ташкентский государственный

технический университет

Аннотация. В статье проанализированы пути повышения экономической эффективности производства электро- и бытовой техники в Узбекистане. На основе теоретических подходов, международного опыта и национальных условий разработаны практические рекомендации по кластеризации, модернизации, развитию человеческого капитала и поддержке экспорта.

Ключевые слова: электротехника, экономическая эффективность, кластер, локализация, экспорт, модернизация, человеческий капитал, энергоэффективность, технопарк, государственно-частное партнёрство.

INCREASING ECONOMIC EFFICIENCY AT ENTERPRISES PRODUCING ELECTRICAL AND HOUSEHOLD APPLIANCES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Kamolhodjaev Jamoliddin

Tashkent State Technical University
PhD, assoc. prof. **Nabieva Saidakhon**
Tashkent State Technical University

Abstract. The article analyzes ways to increase the economic efficiency of Uzbekistan's electrical and household appliance industry. Based on theoretical approaches, international experience, and national context, practical recommendations on clustering, modernization, human capital development, and export promotion have been developed.

Keywords: electrical engineering, economic efficiency, cluster, localization, export, modernization, human capital, energy efficiency, techno park, public-private partnership.

Кириш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида саноатни тубдан модернизация қилиш, қўшилган қиймат занжирларини маҳаллийлаштириш ва рақобатбардош миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда электр ва маиший техника саноати, жумладан, электр плиталар, музлатгичлар, кир ювиш машиналари, кондиционерлар ҳамда бошқа турдаги маиший электр-электроника ускуналарини ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири сифатида шаклланимоқда.

Ушбу соҳа корхоналарининг самарадор фаолият юритиши, нафақат ички бозорда импорт ўрнини босиш имкониятларини оширади, балки ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтириш орқали умуммиллий иқтисодий барқарорликка хизмат қилади (Porter, 1990).

2024 йил якунида Ўзбекистонда умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажми 885,8 трлн.сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 6,8 фоизга ўсди (ЎзСтат, 2025). Бу эса саноат тармоқларида, хусусан, электр-техника маҳсулотлари сегментидаги ўсиш эҳтиёжини янада оширмоқда. Ҳукумат томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон- 2030" стратегиясида электр-техника соҳасидаги ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга, экспортни эса уч баробарга ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган (Фармон, 2023).

Шу билан бирга, ички бозордаги рақобат муҳитининг кучайиши, импорт ҳажмининг босқичма-босқич камайиши, сифат ва нарх ўртасидаги оптимал мувозанатни таъминлаш, таъминот занжирларини рақамлаштириш ва энергия самарадор технологияларга ўтиш каби қатор вазифаларни кун тартибига олиб чиқмоқда. Шундай шароитда, электр ва маиший техника ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш уларнинг ички ресурслардан оқилона фойдаланиши, стратегик бошқарув қарорлари сифатини ошириш ҳамда технологиялардан самарали фойдаланиш механизмларини жорий этиш билан бевосита боғлиқдир.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий самарадорлик мураккаб иқтисодий категория бўлиб, у жаҳон илмий адабиётида иқтисодий тизимларнинг стратегик ривожланиши, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва рақобатбардошликни таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида қаралади. У фақатгина ҳисоб-китоблар ва молиявий натижалар орқали эмас, балки методологик мезонлар асосида ҳам таҳлил қилинади.

Аввало, Rusyn (2024) иқтисодий самарадорликни антология ва эпистемология нуқтаи назаридан талқин қилиб, унинг борлиқ, моҳият, вақт ва ҳаракат каби фалсафий тушунчалар билан узвий боғлиқ эканини таъкидлайди. Муаллиф фикрига кўра, самарадорлик бу нафақат натижа, балки қарор қабул қилишдаги методологик асосдир. Шу нуқтаи назардан, уни тизимли ва стратегик бошқарув моделларига интеграция қилиш зарур.

Shodmonovna ва бошқалар (2021) иқтисодий самарадорликни корхоналар фаолиятидаги асосий мақсад сифатида белгилайди. Муаллиф уни ресурслар харажатлари ва натижалар ўртасидаги нисбат орқали баҳолайди, шу билан бирга ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро таъсирини алоҳида таъкидлайди. Ушбу ёндашув электр-маиший техника ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолида самарадорликни кенг қамровда тушуниш имконини беради.

Мукамалроқ таҳлилий тасниф Encyclopedia of Public Administration (2020) томонидан берилган бўлиб, унда иқтисодий самарадорлик техник, аллокацион ва динамик йўналишларда тушунтирилади. Бу тасниф усуллари электр ва маиший техника ишлаб чиқаришдаги турли функциялар ва босқичларни таҳлил қилишда методологик асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Famulski (2017) эса иқтисодий самарадорликни ҳуқуқий категория сифатида кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича, қонунчиликда самарадорлик ва адолат ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарур, зеро ҳар иккиси ижтимоий қарорларни баҳолашда муҳим қийматлардир. Бу ёндошув электр техника корхоналари фаолиятидаги тартибга солувчи (регулятив) механизмларни таҳлил қилишда қўл келади.

Тармоқнинг хусусий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, Chetroiu & Călin (2013) иқтисодий самарадорликни қишлоқ хўжалиги мисолида харажат ва маҳсулот ҳажмининг нисбати орқали ўлчайди. Ушбу моделда ресурсларнинг оптимал ишлатилиши ва минимал харажат орқали максимал натижага эришиш асосий мақсад сифатида белгиланган. Электр-маиший техника саноатида ҳам бу назарий асос самарали ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишда қўлланилиши мумкин.

Costea (2012) эса инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигига алоҳида эътибор қаратади. У инвестицияларнинг техник-илмий тараққиётни рағбатлантиришдаги ролини таъкидлаб, уларни иқтисодий ўсишнинг турткичи сифатида баҳолайди. Электр ва маиший техника ишлаб чиқариш соҳасида юқори капитал сиғими ва технологик янгиланишлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, инвестиция самарадорлигини баҳолаш бу соҳада ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ниҳоят, Krakhina (2024) иқтисодий самарадорликни тизимли ёндашувда кўриб чиқиб, унинг миқдорий ва сифат жиҳатлари, вақт омили ҳамда ресурслар чекланганлигини эътиборга олиш лозимлигини қайд этади. Унга кўра, самарадорликнинг холис ва чуқур баҳоси фақат бирламчи кўрсаткичларга эмас, балки комплекс таҳлилга асосланиши лозим.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, “иқтисодий самарадорлик” тушунчаси турли жиҳатдан талқин қилинади, аммо умумий нуқтаи назар шундан иборатки, у корхона фаолиятининг натижадорлиги ва ресурслардан оқилона фойдаланиш даражасини ифодалайди. Самарадорликни аниқ баҳолаш учун фақатгина молиявий кўрсаткичлар эмас, балки сифат, вақт ва ресурс чекланганлиги каби омиллар ҳам ҳисобга олиниши зарур. Бу эса соҳадаги корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда мураккаб, бир неча йўналишли ёндашувни талаб қилади. Шунинг учун, электр ва маиший техника ишлаб чиқарувчи корхоналарда иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Олиб борилган назарий таҳлил ва халқаро тажриба ўрганишлари шуни тасдиқлайдики, бу соҳада юқори натижаларга эришиш бир йўналишли ислохотлар билан чекланмасдан, кўп омилли ва уйғунлаштирилган ёндашувни талаб этади. Иқтисодий самарадорлик бугунги кунда фақат молиявий кўрсаткичлар билан эмас, балки технология даражаси, инсон капитали салоҳияти, бозор муҳити ва институционал асосларнинг ўзаро интеграцияланган ҳолдаги таъсири орқали баҳоланмоқда. Олиб борилган таҳлил жараёнида назарий ёндашувлар амалиёт билан солиштирилиб, Ўзбекистон шароити учун мақсадли хулосалар шакллантирилди.

2024 йил якунига келиб, мамлакатда маиший электр ускуналари бозори ҳажми 1,5 млрд.долларни ташкил этди, бу 2023 йилга нисбатан 9,4 фоиз ўсишни англатади. Шу билан бирга, сўнгги тўрт йил ичида соҳадаги экспорт ҳажми 437 млн доллардан 1,5 млрд.долларгача кўтарилиб, 3,5 баробарга ошди. Бироқ, HS-85 товар гуруҳи бўйича импорт ҳажми 1,58 млрд долларни ташкил этмоқда, бу эса ички бозор талабининг камида ярмини ҳали ҳам хорижий маҳсулотлар ҳисобидан қопланаётганини кўрсатади. Ички ишлаб чиқариш динамикасида келиб чиқадиган бўлсак, 2024 йилда 1,2 млн дона музлатгич, 0,9 млн дона кир ювиш машинаси ва 0,45 млн дона кондиционер ишлаб чиқарилиб, 7–11 фоиз миқдорида ўсиш қайд этилди. Маҳаллийлашув даражаси ҳам ижобий ўсишни кўрсатмоқда — хусусан, Artel компанияси мисолида музлатгичлар бўйича 55 фоиз, кир ювиш машиналари бўйича эса 48 фоизга етди (IndexBox, 2025).

Шу билан бирга, соҳа учун стратегик аҳамиятга эга бўлган энергия самарадорлиги масаласида жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Халқаро энергия агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда Ўзбекистон саноатида энергия интенсивлиги 1,11 мегажоул/2015 доллар PPP даражасини ташкил этган¹. Ҳар йиллик 2 фоиз атрофидаги пасайиш кузатилганига қарамай, бу кўрсаткич ривожланган давлатлардан анча орқада қолмоқда. Шу боис, импорт ўрнини босиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда барқарор ташқи савдо балансига эришиш мақсадида технологияларни янгилаш, маҳаллийлашувни чуқурлаштириш ва энергия тежовчи ечимлардан самарали фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда.

Жаҳон тажрибаси электр ва маиший техника саноатида самарали сиёсат олиб бориш учун бой амалий йўналишларни таклиф этмоқда. Ривожланаётган давлатлар мисолида шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, экспортга йўналтирилган стратегия, технологик янгиланиш, маҳаллийлашувни рағбатлантириш ва кадрлар тайёрлаш каби омиллар муваффақиятли ўсишнинг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Жанубий Кореяда 1970-йилларда қабул қилинган экспортбоп саноатни ривожлантириш сиёсати доирасида Gumi электроника кластери шакллантирилди. Давлат томонидан берилган молиявий қўллаб-қувватлаш ва хусусий секторнинг илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиниши орқали Samsung ва LG каби компаниялар халқаро бозорда етакчи ўринни эгаллади². Бу жараёнда саноат рақамлашуви ва “яшил” технологияларга эътибор қаратилиб, улар глобал рақобатда устунликка эришди³.

Туркия тажрибасида эса Organized Industrial Zone (OIZ) модели асосида инфратузилмани марказлаштириш, энергия ва солиқ бўйича қулай шароитлар яратиш, кластер эффектидан фойдаланиш орқали маиший техника ишлаб чиқарувчи компаниялар Европага миллионлаб маҳсулот экспорт қилиш имконига эга бўлди. Ҳукумат томонидан яқин беш йилликда рақамли саноатни ривожлантириш учун катта

¹ <https://www.iea.org/countries/uzbekistan/efficiency-demand?>

² <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/south-korea-household-appliances-market-report>

³ <https://www.mckinsey.com/kr/~media/mckinsey/locations/asia/korea/our%20insights/koreas%20next%20s%20curve%20a%20new%20economic%20growth%20model%20for%202040/koreas-next-s-curve-a-new-economic-growth-model-for-2040.pdf>

молиявий ресурслар ажратилмоқда⁴. Шу каби, Вьетнамда ҳам давлат томонидан солиқ имтиёзлари ва кадрлар тайёрлаш марказлари ташкил этиш орқали трансмиллий компанияларнинг инвестицияларини жалб этишга эришилди. Таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик натижасида мутахассислар тайёрлаш тизими самарали ташкил этилди⁵.

Ҳиндистонда Make in India ва PLI дастурлари маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва халқаро рақобатбардошликни оширишга қаратилган бўлиб, маҳаллийлашув даражаси сезиларли даражада оширилди⁶.

Малайзиядаги Пенанг эркин саноат ҳудуди инновацион ишлаб чиқариш марказига айланиб, илғор технологияларга асосланган кластерлар шакллантирилди. Бу ерда университетлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорлик сифатни таъминлашда муҳим ўрин тутди⁷.

Ушбу мисоллардан умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, иқтисодий самарадорликни таъминлаш учун экспортга йўналтирилган сиёсат, технологик модернизация, маҳаллий кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва институционал қўллаб-қувватлаш ўртасидаги уйғунлик асосий омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон учун энг долзарб вазифалар қаторида OIZ (Organized Industrial Zone-Уюшган саноат зонаси) моделида технопаркларни шакллантириш лозим. Чунки бу саноат ҳудуди ичида инновацион марказлар, яъни илмий-тадқиқот, старт-аплар ва кичик технологик компаниялар жойлашган махсус ҳудудлар бўлиб, улар кластер самарадорлигини оширади, ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватловчи махсус молиявий инструментлар (экспорт кредитлари, субсидиялар), маҳаллий таъминотчиларни халқаро сертификатлаш, дуал таълим ва STEM дастурлари орқали кадрлар тайёрлаш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик механизмларини кучайтиришдир. Ана шу комплекс ёндашув орқали мамлакат узоқ муддатли ва барқарор иқтисодий самарадорликка эришиши мумкин.

Янада аниқлаштирадиган бўлса, *OIZ - бу саноатни ривожлантириш мақсадида махсус ташкил этилган, инфратузилмаси тайёр ва муайян имтиёзларга эга ҳудуддир*. Унинг асосий мақсади ишлаб чиқарувчи корхоналарни бир жойга жамлаш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва кластер эффекти яратиш ҳамда бизнес юритишни енгиллаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш.

Хўш, бундай саноат зоналари Ўзбекистонда ҳам мавжуд эмасми? Масалан, ЭИЗ ёки КСЗлар шундай функцияларни бажаради, деб қараш мумкинми?

Ўзбекистонда мавжуд ЭИЗ ва КСЗлар муайян ўхшашликка эга бўлса-да, OIZ модели тўлиқ шаклланмаган. Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистонда ҳозирги кунда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва кичик саноат зоналари (КСЗ) фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий мақсади инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспортбоп маҳсулотлар улушини кўпайтиришдир. Бу жиҳатдан улар Туркиядаги Organized Industrial Zones (OIZ) моделлари билан умумий йўналишга эга. Бироқ Туркия OIZ модели билан Ўзбекистондаги ЭИЗ ва КСЗлар ўртасида қатор муҳим фарқлар мавжуд (1-жадвал):

⁴ https://tacirler.com.tr/upload/files/arastirma/sirket-raporlari/arclk/arcelik_tacirler-investment_company-report_november_2024.pdf

⁵ chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://www.sbb.gov.tr/wp-content/uploads/2025/03/Twelfth-Development-Plan_2024-2028.pdf

⁶ <https://timesofindia.indiatimes.com/business/india-business/govt-disburses-21k-crore-under-pli-scheme/articleshow/122078487.cms?>

⁷ Farlina Said. Malaysia's semiconductor ecosystem amid geopolitical flux. 20 June 2024. <https://www.isis.org.my/2024/06/20/malaysias-semiconductor-ecosystem-amid-geopolitical-flux/>

Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва Туркиядаги Organized Industrial Zones (OIZ)нинг таққослама таҳлили

<i>Йўналиш</i>	<i>OIZ (Туркия)</i>	<i>ЭИЗ (Ўзбекистон)</i>
Маълум бир мақсад		
<i>Асосий мақсад</i>	Саноатни кластер асосида ривожлантириш, экспортбоп ишлаб чиқариш	Хорижий ва маҳаллий инвестицияни жалб қилиш, экспортни рағбатлантириш
<i>Тартибга солиш</i>	Тизимли, марказлашган бошқарув (мамлакат бўйлаб 300дан ортиқ OIZ)	Турли форматдаги зоналар: ЭИЗ, кичик саноат зоналари, фирма кластерлар
Инфратузилма ва тайёрлик даражаси		
<i>Инфратузилма</i>	Дастлабдан тўлиқ таъминланган: электр, сув, канализация, логистика	Кўп ҳолларда инфратузилма тўлиқ эмас ёки кеч таъминланади
<i>Технопарк ва таълим</i>	STEM марказлар, университетлар билан интеграция	Айрим зоналарда бор, аммо тизимли эмас
Солиқ ва бошқа имтиёзлар		
<i>Имтиёзлар</i>	Солиқ имтиёзлари, энергия нархлари, экспорт субсидиялари	Солиқ ва бож имтиёзлари бор, лекин доимийлик ва прогнозлаштириш муаммоли
<i>Энергия ва хомашё</i>	Давлат нархи асосида кафолатланган таъминот	Кўп ҳолда хомашё ва энергияда узилишлар кузатилади
Кластерлашув ва ҳамкорлик		
<i>Кластер модели</i>	Бир хил тармоқдаги корхоналар жойлашади (масалан, электроника)	Кўп зоналарда тармоқлараро аралашув мавжуд, кластер модели кам
<i>Ҳамкорлик</i>	Илмий тадқиқот, таълим, логистика, экспорт биргаликда олиб борилади	Ҳар бир корхона алоҳида иш юритади, зона ичида ҳамкорлик заиф
Бошқарув ва мониторинг		
<i>Бошқарув</i>	Мустақил бошқарув кенгашлари, хусусий сектор иштирокида	Кўп ҳолда давлат ташкилотлари орқали бошқарилади
<i>Самарадорлик баҳоси</i>	OIZлар миллий экспортнинг катта қисмини таъминламоқда	ЭИЗларнинг баъзилари тўлиқ ишлаётгани йўқ, ишлатилмаётган ҳудудлар ҳам бор

Юқоридаги жадвал Ўзбекистондаги Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва Туркиядаги Organized Industrial Zones (OIZ) ўртасидаги асосий институционал ва амалий фарқларни тизимлаштирилган ҳолда акс эттиради. Бу таққослама орқали ҳар икки моделнинг мақсадлари, бошқарув тизими, инфратузилмавий тайёрлиги, инновацияни қўллаб-қувватлаш салоҳияти, кластерлашув даражаси ва ҳамкорлик механизмлари аниқ кўринади.

Жумладан, Туркиядаги OIZлар саноатни кластерлашув асосида ривожлантиришга қаратилган бўлиб, уларнинг инфратузилмаси, кадр тайёрлаш тизими, таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан интеграцияси олдиндан режалаштирилган. Улар мустақил бошқарув органлари томонидан бошқарилади ва давлат-хусусий шериклик асосидаги иштирок механизми самарали йўлга қўйилган. Бу эса нафақат инвестицияни жалб қилиш, балки экспортга йўналтирилган, юқори қўшимча қийматли ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон беради.

Бунга муқобил, Ўзбекистондаги ЭИЗ ва КСЗлар ҳозирча асосан имтиёзлар ва ер ресурслари бериш орқали инвесторларни жалб қилишга қаратилиб, кластерлашув ва корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик заиф ривожланган. Инфратузилма кўп ҳолларда тўлиқ эмас ёки кечиктирилган ҳолда шакллантирилади, таълим ва

технопарклар билан узвий ҳамкорлик кўпроқ ташаббус даражасида қолмоқда. Бу ҳолат, айниқса, инновацион ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсиқ бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, OIZ моделидаги таркибий ёндашув, тизимли режалаштириш ва кластерлашув концепцияси Ўзбекистоннинг саноат зонаси сиёсати учун йўналтирувчи намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун зоналарда инфратузилмани режали равишда шакллантириш, корхоналар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантириш, таълим ва илм-фан билан боғлиқ механизмларни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда электр ва маиший техника саноати миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири сифатида босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Ушбу мақолада олиб борилган назарий таҳлил ва халқаро тажриба ўрганишлари шуни кўрсатадики, соҳа самарадорлигини ошириш фақатгина технологик янгиланиш ёки молиявий қўллаб-қувватлаш билан эмас, балки комплекс ёндашув, яъни инсон капитали, кластерлашув, инфратузилма, ва институционал механизмларнинг уйғун ривожланиши орқали амалга ошириш мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатда экспорт ҳажмини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва энергия тежамкор ечимларни жорий этиш борасида ижобий қадамлар қўйилди. Шу билан бирга, тармоқда ҳал этилиши лозим бўлган қатор тизимли муаммолар ҳам мавжуд: энергия самарадорлигида пастлик, импорт хомашёсига қарамлик, таъминот занжирларида узилишлар ҳамда кластерлашув даражасининг етарлича шаклланиши улар қаторига киради.

Шундай экан, соҳа барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун Ўзбекистонга халқаро тажрибага таялган ҳолда миллий моделни такомиллаштириш, уни аниқ мақсад ва амалий механизмлар асосида жорий этиш зарур. Айниқса, Туркия каби мамлакатлар тажрибасидаги кластерлашув, технопарклар билан интеграция, ва давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш орқали маҳаллий саноатни янги босқичга олиб чиқиш имкони мавжуд.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Chetroui, R., & Călin, I. (2013). The concept of economic efficiency in agriculture, 573-588.
- Costea, S. (2012). Economic efficiency of investments, 230-233.
- Economic Efficiency (2020). Encyclopedia of Public Administration and Public Policy, Third Edition. <https://doi.org/10.1081/e-eap3-120010874>.
- Famulski, T. (2017). Economic Efficiency in Economic Analysis of Law, 3, 27-39. <https://doi.org/10.18778/2391-6478.3.15.03>.
- Farlina Said (2024) Malaysia's semiconductor ecosystem amid geopolitical flux. 20 June 2024. <https://www.isis.org.my/2024/06/20/malaysias-semiconductor-ecosystem-amid-geopolitical-flux/>
- IndexBox (2025) <https://www.indexbox.io/store/uzbekistan-domestic-appliances-market-analysis-forecast-size-trends-and-insights/>
- Invexi.org (2024) <https://invexi.org/uz/press/results-of-uzbekistan-s-industrial-production-in-2024-growth-new-opportunities-and-challenges/>
- Krakhina, V. (2024). Substantiation of theoretical and methodological approaches to the determination of economic efficiency. Proceedings of the Southwest State University. Series: Economics. Sociology. Management. <https://doi.org/10.21869/2223-1552-2024-14-3-266-275>.
- Porter M. E. (1990) The Competitive Advantage of Nations. Free Press. ISBN 978-0-684-84146-5.

Rusyn, O. (2024). *EFFICIENCY AND ITS THEORETICAL CONTENT. Development of Management and Entrepreneurship Methods on Transport (ONMU)*. <https://doi.org/10.31375/2226-1915-2024-3-52-62>.

Shodmonovna, F., Djuraevich, K., & Jamolovich, A. (2021). *The importance of economic efficiency in the enterprise and its theoretical aspects*. 11, 1337-1345. <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.00794.1>.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “«Ўзбекистон–2030» стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон.